

Асосий мақсадимиз – Конституциямиздаги ҳаётбахш ғояларни амалга самарали татбиқ этиш

Конституциямизнинг йигирма беш йиллигига бағишланган тантанали тадбирда Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан баён этилган дастурий маъруза инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришдек эзгу ғояларга асослангани билан алоҳида аҳамият касб этди.

Айниқса, Асосий Қонунимизда белгиланган “инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият” мазмунидаги қонидани амалга татбиқ этишга жиддий эътибор қаратилди. Маърузада энг муҳим масалалардан яна бири фуқароларнинг “беайб айбдор бўлиб қолиши” билан боғлиқ салбий иллатга чек қўйишга оид ташаббуслардир.

Дарҳақиқат, бир неча йиллар мазкур салбий амалиёт орқали кўплаб инсонлар бошқалар содир этган жиноят учун жавобгар бўлди, қариндошлари айби учун ишга жойлашишда, хизмат поғоналарида юқорилашда тўсиқларга учради.

Бизга ҳам мазкур масалада кўплаб сайловчиларимиз мурожаат қилар, тўғриси, жавоб беришга қийналар эдик. Жиноят кодексида белгиланган “айб учун жавобгарлик” принципи амалда самарали ишламас, бу жабрланаётган фуқаролар билан бирга бизни ҳам ташвишга солар, адолатли жамият барпо этиш йўлида, афсуски, шундай тўсиқлар ҳам мавжуд эди. Президентимиз томонидан бундай салбий иллатни бартараф этиш борасида илгари сурилган ташаббус инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш йўлидаги дадил қадамдир.

Яна бир муҳим ташаббус, Халқ қабулхоналари негизида Тезкор давлат хизматлари агентлигини ташкил этиш билан боғлиқ. Бунинг замирида ҳам Конституциямизда белгиланган бош эзгу ғоя – инсонлар учун қулайлик яратиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш мақсади мужассам. Мазкур янги институт келгусида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ масалаларда муҳим ташкилий тузилма вазифасини ўташи, шубҳасиз. Яъни у жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан кўрсатиладиган турли хизматларни мувофиқлаштириш орқали аҳолига янада қулайлик яратади.

Келгуси йилларда ҳам парламент, вакиллик, жамоатчилик назоратини кучайтириб бориш билан боғлиқ фикрлар ҳам қимматлидир. Ҳақиқатдан ҳам мазкур институтлар ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишнинг бош мезони ҳисобланади. Улар фаолиятини самарали ташкил этиш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга эришамиз. Биргина парламентнинг давлат бошқарувидаги роли ортиши, турли ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти қонуний ва самарали ташкил этилишига, ўз зиммасига юклатилган вазифалар ижросига нисбатан масъулият янада ортишига, аҳолини ташвишга солаётган муаммолар тезкор ҳал этилишига хизмат қилади. Зеро, қонун устуворлиги – жамият таракқиётининг муҳим мезонидир.

Шунингдек, тадбирда келгуси йилда ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳага, хусусан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига эътибор янада кучайиб, бу йўналишларда ҳам кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш белгиланди. Бу биз учун партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда янги имкониятларни яратади.

Умуман, мазкур маърузада илгари сурилган фикрлар, моҳиятига кўра “фуқаролар давлат органларига эмас, балки давлат органлари фуқароларга хизмат қилиши лозим” деган ғоянинг бундан буён ҳам фаолиятимиз асосий йўналиши бўлиб қолишини таъминлаш, Конституциядаги инсон ҳуқуқларига йўғрилган қоидалар ҳаётга татбиқ қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Шухрат ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.